



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI
RIVOJLANTIRISH QO'MITASI**

**SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI,
CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NUKUS
FILIALI**

**"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB
MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro
ilmiy va ilmiy-texnik konferensiya materiallari**

TO'PLAMI

13-noyabr 2025-yil

СБОРНИК материалов

**международной научно и научно-технической конференции на тему
"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И
ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"**

13 ноября, 2025 г

**International scientific and scientific-technical conference
"ACTUAL PROBLEMS OF VETERINARY MEDICINE AND LIVESTOCK
AND THEIR SOLUTIONS"**

November 13, 2025

NUKUS-2025

“Veterinariya meditsinasi va chorvachilikdagi dolzarb muammolar va ularning yechimlari”
Xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik konferensiyasi materiallari [Matn]: to‘plam / Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali. – Nukus: “Golden Print Nukus” nashriyoti, 2025. – 389 b.

Anjuman tashkiliy qo‘mitasi

Tashkiliy qo‘mita raisi: Esimbetov Adilbay Tlepovich, b.f.d., professor;

Tashkiliy qo‘mita raisi muovini: Avezimbetov Shavkat Dosumbetovich, v.f.n.;

Tashkiliy qo‘mita kotibi: Rozumbetov Kenjabek Umar og‘li, b.f.f.d.;

D. Bazarbayeva – “Veterinariya diagnostikasi va oziq-ovqat xavfsizligi” kafedrasida katta o‘qituvchisi, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

Tashkiliy qo‘mita a‘zolari:

Sh. Jabbarov – O‘zbekiston Respublikasi Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo‘mitasi boshqarmasi boshlig‘i o‘rinbosari, veterinariya fanlari doktori, professor.

X. Yunusov – Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti rektori, biologiya fanlari doktori, professor.

M. Y. Karpuxin – Ural davlat agrar universitetining ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, agrar fanlar doktori, dotsent (Rossiya Federatsiyasi)

N. G. Malkov – N. F. Vereshagin nomidagi Vologda davlat sutchilik akademiyasi rektori, texnika fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi)

A. Abdurasulov – Qirg‘iziston Respublikasi O‘sh davlat universiteti “Veterinariya meditsinasi va biotexnologiyasi” kafedrasida mudiri, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, professor. (Qirg‘iziston Respublikasi)

R. Miqtibayeva – Qozog‘iston milliy agrar tadqiqot universiteti “Mikrobiologiya va virusologiya” kafedrasida professori, veterinariya fanlari nomzodi. (Qozog‘iston Respublikasi)

S. Mirzakulov – Olmaota texnologiya universiteti “Oziq-ovqat mahsulotlari texnologiyasi” kafedrasida professori, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, dotsent. (Qozog‘iston Respublikasi)

Q. Atanazarov – O‘quv ishlari bo‘yicha direktor o‘rinbosari, biologiya fanlari nomzodi, dotsent.

A. Mambetnazarov – Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagog kadrlarni tayyorlash bo‘limi boshlig‘i, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, dotsent.

A. Kaniyazov – “Veterinariya va zootexnologiya” fakulteti dekani, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

X. Mamatov – “Zootexnologiya” kafedrasida mudiri, qishloq xo‘jalik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

R. Turg‘anbayev – “Zootexnologiya” kafedrasida professori, agrar fanlar doktori

A. Kamalova – “Veterinariya meditsinasi va farmakologiyasi” kafedrasida mudiri, veterinariya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

P. Xojalepesov – “Iqtisodiyot va gumanitar fanlar” kafedrasida mudiri, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent.

R. Rzaev – “Veterinariya diagnostikasi va oziq-ovqat xavfsizligi” kafedrasida mudiri, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

Ushbu to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2024-yil 27-dekabrda 490-son buyrug‘i bilan oliy ta‘lim tashkilotlari hamda ilmiy tashkilotlarda 2025-yilda o‘tkaziladigan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy anjumanlar, simpoziumlar, seminarlar va boshqa ilmiy hamda ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxati 2-ilovasiga muvofiq tasdiqlangan – 2025-yilda xalqaro miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasi asosida Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filialida 2025-yil 13-noyabr kuni – **“Veterinariya meditsinasi va chorvachilikdagi dolzarb muammolar va ularning yechimlari”** mavzusida o‘tkazilgan Xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik konferensiyasi materiallari asosida tuzilgan.

Konferensiyada, veterinariya sohasida faoliyat olib borayotgan universitet va filialarning professor-o‘qituvchilari, ilmiy markazlarning va insitutlarning ilmiy xodimlari, doktorantlar, magistrantlar, iqtidorli yosh tadqiqotchilarning ilmiy-tadqiqot ishlariga bag‘ishlangan maqolalar o‘rin olgan

To‘plamga kiritilgan maqolalar materiallarining to‘g‘riligi va haqqoniyligiga mualliflar mas‘ul hisoblanadi.

© Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali, 2025

© “Golden Print Nukus” nashriyoti, 2025

2. Красиков, А.П. Эпизоотическая ситуация по инфекционным болезням, в том числе и респираторному миеоплазмозу на птицефабрике «Сибирская» / А.П. Красиков, В.Г. Крышин, ОА Сунцова // Проблемы и перспективы развития науки в Институте ветеринарной медицины ОмГАУ: сб. науч. тр. - Омск, 2002. - С. 128-133.
3. Elmurodov B.A., Murodov X.U., Navruzov N.I., Kurbonov F.M. Pathomorphological Changes in Poultry Pasteurelliosis, Pullorosis and Colibacteriosis Diseases // Middle European Scientific Bulletin. Academic Journal, ISSN 2694-9970 Volume 29 | Oct-2022. -P.87-92.
4. Мониторинг эпизоотической обстановки по инфекционным болезням птиц в Западно-Сибирском регионе и Алтайском крае / А.П. Красиков, Н.В. Рудаков, О.А. Сунцова и др. // Роль ветеринарного образования в подготовке специалистов агропромышленного комплекса : сб. науч. тр. -Омск, 2003. -С. 163-171.
5. Safarov, A., Akramova, F., Azimov, D., Mihalca, A. D., & Ionică, A. M. (2021). Updates on the distribution and host spectrum of *Dirofilaria repens* in the Republic of Uzbekistan. *Parasitology Research*, 120(12), 3987-3992.
6. Сафаров, А. А., Акрамова, Ф. Д., Шакарбаев, У. А., & Азимов, Д. А. (2018). Паразитофауна домашней собаки (*Canis familiaris* Dom.) современного мегаполиса Ташкента. *Российский паразитологический журнал*, 12(4), 41-49.
7. Safarov, A. A., Akramova, F. D., Shakarbaev, U. A., & Azimov, D. A. (2018). Parasitic fauna of domestic dog (*Canis familiaris* Dom.) of the modern metropolis of Tashkent.
8. To'rayevich, N. B., Safarov, A. A. U., Akramova, F. D., Azimov, D. A., Shakarbayev, U. A., & Berdibayev, A. S. (2020). The cycle of nematode *Dirofilaria immitis* (Leidy, 1856) in the ecological and epizootological chains of canines in the biocoenoses of Uzbekistan. *American Journal of Zoology*, 3(1), 5-9.
9. Safarov, A., Kunisov, B., Arepbaev, I., & Sazmand, A. (2024). First record of nasopharyngeal myiasis caused by *Cephalopina titillator* (Clark, 1816) in camel (*Camelus dromedarius* Linnaeus, 1758) in Uzbekistan. *Veterinary Parasitology: Regional Studies and Reports*, 51, 101029.
10. Mechouk, N., Safarov, A., Kunisov, B., Sazmand, A., & Deak, G. (2025). A six-legged anomalous *Dermacentor niveus* (Acari: Ixodidae) female tick from a camel (*Camelus dromedarius*) in Uzbekistan. *Persian Journal of Acarology*, 14(2), 357-360.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОТЛАР ГЕЛЬМИНТОФАУНАСИНING ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Карлибаева Ш.К.¹, Сарсенбаев И.Е.¹, Амангелдиев У.А.¹, Дильманова А.И.²

¹Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Нукус филиали,

²Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,

Кириш. Ўзбекистонда отларнинг гельминтлари соҳасида изланишлар 1921 йилдан бошланган. Гельминтологик илмий сафар жараёнида [21] Каттакўрғонда (Самарқанд вилояти) отларни тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули орқали ичкаларида катта хажмда *Probstmayria vivipara* нематодаси аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-408-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4194-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4512-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4776-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда отлар гельминтларини тур таркиби, кенг тарқалган ва йилқичиликка зарар келтирувчи вакиллари йўганиш ҳолати ва кўп йиллар давомида олиб борган тадқиқот ишлар ҳамда мутахассис олимлар томонидан соҳа бўйича чоп этилган ишлар натижаларини таҳлил қилишдир.

Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари. Ўзоқ йиллар давомида Республикаимизнинг турли минтақаларида, чорвачилик хўжаликларида ва шахсий хонадонларда академик К.И.Скрябиннинг (1928) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усуллари билан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тадқиқот натижалари ва уларни таҳлили. Олиб борилган тадқиқот натижасида ўзоқ йиллар давомида Республикаимизнинг турли ҳудудларида чорвачилик ва шахсий хонадонларда отлар гельминтларини йўганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларнинг натижалари ҳамда бу йўналишда тадқиқот ишларини олиб борган кўплаб гельминтолог олимлар томонидан чоп этилган илмий мақолалар, монографиялар, ҳимоя қилинган диссертациялар чуқур таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда ушбу ҳайвонлар гельминтларини асосан тизимли йўганишга В.С. Ершов асос солган. Муаллиф Тошкент от заводида 5 бош отни текшириб кўрган ва улардан 25 тур гельминтларни аниқлаган.

М.И. Сопельченко ва Я.Д.Никольский бир бош отни ёриб кўрганида, ичакларда 216 минг нусха стронгидлар паразитлик қилиши маълум бўлган.

Н.В. Баданин Самарқанд вилояти йилқичилик хўжаликлари отхоналарида боқиладиган отларнинг параскаридоз эпизоотологиясини йўганиш натижасида уларнинг олдини олиш бўйича тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиққан.

О.А. Бердник Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида отлар ўртасида *Onchocerca reticulata* ва *Onchocerca cervicalis* нематодаларини аниқлади. Муаллиф отларнинг онхоцеркоз билан зарарланиш кўрсаткичи 68,4% гача етиб боришини маълум қилган. Терида онхоцерка личинкаларининг юқори кўрсаткичи ёз мавсумида қайд этилган.

М.Г. Жданова Ўзбекистон тоқ туёқлиларида *Gongynolema pulchrum* нематодасини қайд этиб, уларни қизилўнгачнинг шиллиқ қаватида паразитлик қилишини аниқлаган. Ўзбекистон шароитида тоқ туёқлиларнинг пробстмайриоз эпизоотологияси ва кўзгатувчисининг биологияси бўйича экспериментал ишлар М. Бабаева томонидан амалга оширган. Муаллиф *Probstmayria vivipara* нематодалари ташқи муҳитга чиқмасдан, хўжайин ичакларида, эндоцикл йўли билан ривожланишини аниқлади. Эмбрионал ва посэмбрионал ривожланиши (личинканинг III босқичигача) *Probstmayria vivipara* урғочи паразитнинг бачадонида, сўнг йўғон ичак ичидаги масса таркибида пайдо бўлади.

Я.С. Сафаев Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари отларида 45 тур гельминтларни аниқлаб, отлар анопцефалетозлар ва стронгилятозларига қарши антигельминтикларнинг самарадорлигини ўрганган.

М.А. Султанов, ва бошқалар Ўзбекистон отларида 53 турдаги гельминтлар паразитлик қилишини маълум қилган.

Т.И. Исмаилов республиканинг шарқий ва шимоли-шарқий ҳудудларида отлар ўртасида 54 тур паразитлар учрашини қайд этган. Муаллиф Ўзбекистоннинг шимолишарқий қисмида ташқи муҳитда *Parascaris equorum* (Goeze, 1782) нематодасининг эмбриогенезини ва отлар гельминтларининг экологияси ва ҳаёт циклларини ўрганган. Гельминтларнинг эколого-фаунистик хусусиятлари очиб берилган ва уларнинг биоценотик алоқалари таҳлил этилган.

Т.И. Исмаилов ва б. томонидан отлар ҳазм тракти нематодозлари профилактикасининг кимёвий усуллари ўрганилган. Бенацил 300 мг/кг дозада синаб кўрилган ва 100% самарадорликка эга эканлиги исботланган.

С. Дадаев Ўзбекистон жанубида отларда 48 тур гельминтларнинг паразитлик қилишини аниқлаган. Бу турлар 3 та синф, 4 та туркум, 9 кенжа туркум, 15 оила ва 26 авлодга мансублиги таҳлил қилинган. Ўзбекистон жанубидаги отларнинг гельминтлар билан умумий зарарланиши 27,9% эканлиги исботланган. Ундан ташқари, муаллиф томонидан эшаклар ўртасида 3 та синфга мансуб 30 тур гельминтлар қайд этилган.

Д.А. Азимов Schistoosomatida туркумига мансуб трематодаларнинг экологик ва таксономик хусусиятларини ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг, шу жумладан отларнинг шистосомозини олдини олишнинг биологик асосларини ишлаб чиқди. Шистосомоз билан отларнинг зарарланиш даражаси 18,7% ни, зарарланиш интенсивлиги ўртача 850 нусхани ташкил этган.

Н.М. Матчанов, С. Дадаев тадқиқот натижаларига кўра отларда 60 тур гельминтлар қайд этилган бўлиб, шулардан 5 тури цестода синфига, 4 – трематода, 51 тури нематода синфига мансуб ҳисобланади. Текширилган отлар 100% зарарланган. Битта от организмида 1 тадан 29 тагача тур топилган бўлиб, максимал инвазия интенсивлиги 17400 нусхани ташкил этган. Муаллифлар эшаклар ўртасида 30 тур гельминтларни (3 тур цестода, 2 – трематода, 25 – нематода) қайд этган. Ҳамма текширилган ҳайвонлар зарарланган бўлиб, битта ҳайвон организмида 1 тадан 23 тагача паразит чувалчанглар аниқланган.

Н.Ҳ. Енилеева Ўзбекистонда ошқозон бўкасининг тарқалиши ва ҳар хил турдаги личинкалар томонидан отларнинг зарарланиш даражаси ҳақида маълумотлар олинган. Ошқозон бўкасининг катта ёшдаги личинкалари билан отларнинг зарарланиши инвазия экстенсивлиги 88,5% ни ташкил этган ва ҳудудларда 71,6 % дан 100% гача сезиларли даражада ўзгариб, инвазия интенсивлиги 2-1370 нусхани ташкил этган.

Жиззах вилоятининг турли биогеоценозларида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг гельминтларига доир изланишлар Б.М. Аширматов томонидан олиб борилган. Муаллиф 37 бош отларни текшириб кўрганда 3 тур – трематода, 2 тур цестода ва 18 тур нематода топган. Унинг маълумотларига кўра отларда 13 тур геогельминт ва 10 тур биогельминт аниқланган.

Э.Б. Шакарбоев умуртқали ҳайвонлар трематодаларини ўрганши жараёнида тоқ туёқли ҳайвонлар трематодаларига ҳам этибор қаратган. Муаллиф Қорақалпоғистон шароитида тоқ туёқлилар ўртасида *Fasciola gigantica* ва *Schistosoma turkestanicum* трематодаларини қайд этган. Муаллиф “Паразит-хўжайин” муносабатларининг биохимик ва морфо-функционал жиҳатларига этибор қаратган.

К.А.Сапаров Filariata кенжа туркуми нематодаларининг фаунаси, тарқалиши ва экологиясини тадқиқ этиш асносида сут эмизувчи ҳайвонларда, жумладан отларда ҳам 3 тур филариятлар паразитлик қилишини аниқлаган.

Ўзбекистон шимоли-шарқидаги сув ҳавзаларида чучук сув моллюскаларининг трематодалар ҳаёт циклидаги иштироки У. А. Шакарбаев тадқиқотларида келтирилган. Муаллиф 2 та кенжа синф, 10 туркум, 12 та оиланинг 20 та авлодига мансуб 25 турдаги трематодаларни қайд этган. Топилган церкарияларнинг орасида 3 тури отларда вояга етган шаклида паразитлик қилиши (*Schistosoma turkestanicum*, *Fasciola hepatica* ва *Fasciola gigantica*) аниқланган.

С. Дадаев Ўзбекистонда от гельминтларини ўрганишда трематодалар, цестодалар ва нематодаларга мансуб 64 турдаги паразит чувалчанглар рўйхатга олинган. Отлар

гельминтозларининг кенг тарқалган ва зарарли авлодлари (*Fasciola*, *Taenia*, *Echinococcus*, *Delafondia*, *Alfortia*, *Parascaris*, *Oxyuris*, *Trichonema*, *Cylicocycclus*, *Triodontophorus* ва *Parafilaria*) қайд этилган.

Ж.М.Исаев Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги отларнинг гельминтофаунасини ўрганиб, 10 та кенжа туркум, 17 оила ва 25 авлодга мансуб 32 турни аниқлаган. Отларнинг гельминтлари ва асосий гельминтозларнинг тарқалиш даражаси, уларнинг республиканинг турли географик ва иқлим минтақаларида мавсумий динамикаси таҳлил этилган.

А.Ж.Каниязов Қорақалпоғистоннинг тоқ туёқли ҳайвонларининг гельминтофаунасини ўрганиб, 2 тип, 3 синф, 8 туркум, 18 оила, 30 авлодга мансуб 61 тур гельминтлар паразитлик қилиши аниқланган бўлиб, улардан отлар организмида гельминтларнинг 60 тури, эшакларда эса, 49 та тур паразитлик қилиши аниқланган.

Хулоса. Илимий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларини ўрганиш борасида қатор ишлар бажарилган. Уларнинг аксарият қисми тарқоқ характерга эга.

Шунинг учун ҳам Қорақалпоғистонда отлар гельминтларини ўрганишни тадқиқотимизнинг асосий мақсади этиб белгиладик. Бу эса, ўз навбатида, отлар гельминтларига доир тадқиқотларни янада ривожлантиришда назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимов Д.А. Эколого-таксономическая характеристика трематод отряда Schistosomatida (Skrjabin et Schulz, 1937) Azimov, 1970 и биологические основы профилактики ориентобильгарциоза сельскохозяйственных животных: Дис. ... докт. биол. наук. – Москва: ВИГИС, 1986. - 443 с.
2. Аширматов Б.М. Гельминты сельскохозяйственных животных биогеоценозов Джизакской области и биоэкологические основы борьбы с ними.: Автореф. дисс. ... канд биол. наук. – Ташкент, 1999. – 22 с.
3. Бабаева М. Изучение биологии возбудителя и эпизоотологии пробстмайриоза однокопытных в условиях Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. – Самарканд, 1971. – 20 с.
4. Исаев Ж.М. От (*Equus caballus*), пржевальский оти (*Equus PrzewalskiI*) ва кулонларнинг (*Equus hemionus*) асосий гельминтозлари.: Автореф. дисс. ... вет. фан. фалсафа докт. (PhD). - Самарканд, 2019. - 42 с.
5. Исмаилов Т.И. Экология и жизненные циклы гельминтов лошадей в Узбекистане.: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1980. - 20 с.
6. Исмаилов Т.И. Эмбриогенез *Parascaris equorum* (Goeze, 1782) во внешней среде в условия Узбекистана // доклады Академии наук УзССР. - Ташкент, 1976. - №9. – С. 65-66.
7. Safarov, A., Akramova, F., Azimov, D., Mihalca, A. D., & Ionică, A. M. (2021). Updates on the distribution and host spectrum of *Dirofilaria repens* in the Republic of Uzbekistan. *Parasitology Research*, 120(12), 3987-3992.
8. Сафаров, А. А., Акрамова, Ф. Д., Шакарбаев, У. А., & Азимов, Д. А. (2018). Паразитофауна домашней собаки (*Canis familiaris* Dom.) современного мегаполиса Ташкента. *Российский паразитологический журнал*, 12(4), 41-49.
9. Safarov, A. A., Akramova, F. D., Shakarbaev, U. A., & Azimov, D. A. (2018). Parasitic fauna of domestic dog (*Canis familiaris* Dom.) of the modern metropolis of Tashkent.
10. To'rayevich, N. B., Safarov, A. A. U., Akramova, F. D., Azimov, D. A., Shakarbayev, U. A., & Berdibayev, A. S. (2020). The cycle of nematode *Dirofilaria Immitis* (Leidy, 1856) in the ecological and epizootological chains of canines in the biocoenoses of Uzbekistan. *American Journal of Zoology*, 3(1), 5-9.

11. Safarov, A., Kunisov, B., Arepbaev, I., & Sazmand, A. (2024). First record of nasopharyngeal myiasis caused by *Cephalopina titillator* (Clark, 1816) in camel (*Camelus dromedarius* Linnaeus, 1758) in Uzbekistan. *Veterinary Parasitology: Regional Studies and Reports*, 51, 101029.
12. Mechouk, N., Safarov, A., Kunisov, B., Sazmand, A., & Deak, G. (2025). A six-legged anomalous *Dermacentor niveus* (Acari: Ixodidae) female tick from a camel (*Camelus dromedarius*) in Uzbekistan. *Persian Journal of Acarology*, 14(2), 357-360.

QORAQALPOG'ISTON SHAROITIDA TOVUQLARDA PODAGRA KASALLIGINING TARQALISHI

Komiljonov S.K., Bekbawlieva D.M.

*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti
Nukus filiali*

Kirish. Podagra kasalligi tovuqlarda buyrak faoliyatining buzilishi, siydik kislotasining qon orqali to'planib, ichki a'zolariga cho'kish natijasida rivojlanadi. Bu esa tovuqlarda ishtahaning pasayishi, harakatsizlik, chiqarish samaradorligining keskin kamayishiga olib keladi. Ayniqsa broyler va tuxum yo'nalishidagi tovuqlarda ushbu kasallik iqtisodiy jihatdan katta zarar yetkazmoqda.

Kasallikning dolzarbligi shundan iboratki, u ko'pincha yashirin kechadi va faqat patologoanatomik tekshiruv jarayonida aniqlanadi. Shu bois tovuqlarda podagrani erta bosqichda aniqlash, oziqlantirish tizimni to'g'rilash, mikroelementlar va vitaminlar balansini saqlash, suv sifatini nazorat qilish orqali oldini olish masalalari bugungi kunda veterinariya fani ustuvor ahamiyat kasb etmoqda.

Hozirgi kunda parrandachilik dunyo oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda eng muhim tarmoqlardan biri hisoblanadi. Tovular go'shti va tuxumi aholining oqsilga bo'lgan talabini qondirishda asosiy manba sanaladi. So'nggi yillarda yuqori ozuqa energiyasiga eng, tez o'suvchi tovuq zotlarida moddalar almashinuvi kasalliklari, jumladan podagra keng tarqalmoqda.

Tadqiqotning maqsadi Tadqiqotning asosiy maqsadi - tovuqlarda podagra kasalligining rivojlanish mexanizimi, kilink va patologoanatomik belgilarini o'rganish hamda kasallikning oldini olish va davolashda samarali usullarni ishlab chiqishdir

Tadqiqotning vazifalari 1. Tovularda podagra kasalligining etiologik omillarini aniqlash va ularning o'zaro bog'liqligini tahlil qilish;

2. Kasallikning rivojlanish bosqichlarini va patogenetik mexanizimlarini o'rganish;

3. Podagra bilan kasallangan tovuqlarda kuzatiladigan klinik va patologoanatomik o'zgarishlarini tavsiflash;

4. Kasallikni erta tashxislash imkoniyatlarini aniqlash va laborator usullarini takomillashtirish;

Tadqiqot obekti va uslubiyatlari. Tadqiqot obekti sifatida yirik parrandachilik xojaliklarida parvarishlanayotgan broyler va tuxum yonalishidagi tovuqlar tanlab olinadi. Tajriba uchun klenik belgilariga ko'ra podagra gumon qilingan hamda sog'lom (nazorat guruhi) tovuqlar jalb etildi.

Tadqiqot davomida kompleks veterinariya-dagnostik yondashuv qo'llaniladi. Quyidagi usullar asosiy metodik yo'nalish sifatida tanlanadi:

1. Klinik kuzatuvlar-tovuqlarda umumiy holat, ishtaha, harakatlanish faoliyati, nafas olish, bo'g'imlarda shish va og'riq belgilarining qayd etilishi.

2. Patologoanatomik tekshiruvlar -o'lgan yoki so'yilgan tovuqlarda buyrak, yurak, jigar, seroz paradalar va bo'g'imlarda urat cho'kindilarining mavjudligini aniqlash.

3. Mikroskopik (gistologik) tahlil- buyrak to'qimalarida urat kristallari, yallig'lanish va degenerativ jarayonlari mikroskop ostida organish.